



Халқ депутатлари Тойлоқ туман Кенгашининг
ҚАРОРИ

2020 йил. «27» 04 № 28/5

**Тойлоқ туман маҳаллий
бюджетининг 2020 йил 1-чорак
даромадлар режасининг орттириб
бажарилган қисми ҳисобидан
амалга ошириладиган тадбирлар
тўғрисида**

Барчамизга маълумки, Мамлакатимиз тарихида илк марта Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида Қонуни лойиҳаси кенг муҳокамалардан сўнг, Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда, Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 9 декабрда (ЎРҚ-589-сонли) тасдиқланди.

Мазкур қонун билан, 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг масъулиятини янада ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган янги бюджет тизими жорий этилди ҳамда Республика бюджети харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан, маҳаллий бюджетлар харажатлари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 20-моддасида туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги молия бўлими мудирининг таклифига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши ҳамда туман маҳаллий бюджети қўшимча манбаларининг

камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги "Ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3897-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги молия бўлимининг таклифига асосан туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1-чорак даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан 81,0 (саксон бир) млн. сўм маблағ вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ҳарбий маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармасига ажратилиши кўзда тутилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, халқ депутатлари Тойлоқ туман Кенгашининг 2019 йил 19 декабрдаги "Тойлоқ туманининг 2020 йилги бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 56/194-сонли қарорига асосланиб шунингдек, сессия қатнашчиларининг фикр ва муносабатларини ҳисобга олиб халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Сессия иштирокчилари томонидан сессияга қўйилган масалалар маъқулланганлиги маълумот ва ижро учун тасдиқлансин.

2. Тойлоқ туман ҳокимлиги Молия бўлими (Ю.Бобоназаров)га бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш ва ажратилган маблағларни мақсадли сарфланишини назорат қилиш, туман Ғазначилик бўлини маси (А.Шарипов)га белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Тойлоқ туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (А.Мирзаев), туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Хўжамуродов, Т.Ҳожиқулов) зиммаларига юклатилсин.

Туман Кенгаши раиси



Б.Бабоназаров